

## Асосий иқтисодий кўрсаткичлар

	Млрд. сўм	2016 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Ялли ҳудудий маҳсулот</b>	<b>1490,8</b>	<b>107,1</b>
Саноат маҳсулоти	1282,2	106,8
Истеъмол товарлари	248,6	113,3
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	89,6	105,9
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	361,5	51,7
Қурилиш ишлари	288,1	109,7
Юк айланмаси млн. тн-км	108,8	111,6
Йўловчи айланмаси млн. йўловчи-км	559,0	107,5
Чакана товар айланмаси	749,9	112,2
Хизматлар, жами	689,3	111,7
Ташқи савдо айланмаси, млн. АҚШ долл.	150,0	98,6
Экспорт, млн. АҚШ долл.	115,3	102,9
Импорт, млн. АҚШ долл.	34,7	86,3
Сальдо (+;-)	80,6	x

## Ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йил январь-мартда ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ҳажми 1490,8 млрд. сўмни ташкил этди ва 2016 йилнинг январь-мартига нисбатан ўсиш суръати 107,1 фоизга тенг бўлди.


2017 йил январь-март ойларида ЯҲМ дефлятор индекси 111,5 фоизни ташкил қилди.

Январь-март ойларида республика ялпи ҳудудий маҳсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби қуйидагича ифодаланади:


	млрд.сўм		2016 йил январь-март нисбатан фоиз ҳисобида
	2016 йил	2017 йил	
<b>I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами</b>	<b>1248,1</b>	<b>1490,8</b>	<b>107,1</b>
шу жумладан:			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	1119,8	1346,0	107,1
Маҳсулотларга соф солиқлар	128,3	144,8	106,8
<b>II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b>	<b>1119,8</b>	<b>1346,0</b>	<b>107,1</b>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	30,4	34,4	105,9
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	466,5	570,9	106,1
Саноат	357,8	441,9	105,0
қурилиш	108,7	129,0	109,7
Хизматлар	622,9	740,7	108,0
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	101,5	121,7	110,1
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	106,6	121,3	107,9
бошқа хизматлар	414,8	497,7	107,5

Январь-мартда ялпи худудий маҳсулотнинг тармоқлар таркиби (фоизда):

2016 й.



2017 й.



- Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати
- Маҳсулотларга соф солиқлар
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)
- Хизматлар

Жорий йилнинг январь-март ойларида республиканинг ялпи худудий маҳсулотининг ўсиш суръатига асосий таъсири Хизматлар (108,0%), шундан савдо, яшаш ва оавқатланиш бўйича хизматлар (110,0) тармоқларидаги ялпи қўшилган қиймат ҳиссасига тўғри келмоқда.

ЯХМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 48,9 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди ва бу кўрсаткич 2016 йил январь-март нисбатан ўзгаришсиз қолган.

2017 йил январь-мартда ялпи худудий маҳсулотдаги тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати ҳажмида хизматлар улуши 55,0 фоиз (2016 йил январь-мартда 55,6 фоиз) ни ташкил қилди.

**Корхоналар ва ташкилотлар  
фаолиятининг умумий  
таърифи**  
(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2017 йилнинг 1 апрель ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 14103 тани ташкил қилиб, шундан 13365 таси ёки 94,8 фоизи фаолият кўрсатмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо 2976 та (21,1 фоизи), саноат 1421 та (10,1 фоизи) қурилиш 1382 та (9,8 фоизи) ва яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 812 та (5,7 фоизи) соҳаларига тўғри келади.

2017 йилнинг 1 апрель ҳолатига рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари бўйича қуйидагича тақсимланади:


	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	бирлик	яқунга нисбатан фоизда	бирлик	яқунга нисбатан фоизда
<b>Жами</b>	<b>14103</b>	<b>100,0</b>	<b>13365</b>	<b>100,0</b>
шу жумладан:				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	1724	12,2	1615	12,1
Саноат	1421	10,1	1337	10,0
Қурилиш	1382	9,8	1311	9,9
Савдо	2976	21,1	2792	20,9
ташиш ва сақлаш	802	5,7	755	5,6
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	812	5,7	764	5,7
ахборот ва алоқа	364	2,6	327	2,4
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	410	2,9	402	3,0
бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш	4212	29,9	4062	30,4

Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 83,4 фоизи нодавлат мулки, 16,6 фоизи давлат мулки шаклидаги корхоналарни ташкил этди.

Рўйхатга олинган корхоналарнинг умумий сонидан 22,0 фоизи хусусий корхоналар, 0,5 фоизи чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 0,2 фоизи акциядорлик жамиятлари, 60,9 фоизи бошқа корхоналар улушига тўғри келди.

Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар-юримдик шахслар мулкчилик шакллари бўйича қуйидагича тақсимланади:

1 апрель ҳолатига,  
умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида



2017 йил январь-мартда жами 677 та янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари – 662 та). Уларнинг асосий қисми Нукус шаҳрида (республика бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 35,2 фоизи), Амударё (10,9 фоиз), Нукус (8,7 фоиз), Тўртқўл (5,9 фоиз), Беруний (5,2 фоиз) ва Хўжайли (4,7 фоиз) туманларига тўғри келди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 16,8 фоизи савдо, 24,7 фоизи саноат ва 12,0 фоизи қурилиш соҳаларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида 297 та корхона ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 37 таси (жами фаолияти тугатилганларнинг 11,4 фоизи) ихтиёрий тугатилиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.

2017 йил январь-мартда иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳамда аҳоли бандлиги бўйича давлат ва нодавлат секторларининг нисбати қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



## Кичик тадбиркорлик (бизнес)

2017 йилнинг 1 апрель ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони (фермер ва деҳқон хўжаликларсиз) 10719 тани ташкил қилди.

2017 йил январь-мартда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 48,9 фоизи (2016 йил январь-мартда 48,9 фоиз) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

2017 йилнинг январь-мартда кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:

- 479,5 минг нафар кишининг бандлиги таъминланди (жами иқтисодиётда банд бўлганларнинг 74,6 фоизи), шу жумладан банд бўлганларнинг 285,9 минг нафари яқка тартибдаги тадбиркор, 91,1 минг нафари кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келди;

- саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 257,7 млрд. сўми (жами саноат ишлаб чиқаришининг 20,1 фоизи) ёки 2016 йилнинг январь-мартга нисбатан 8,6 фоиз ўсишни ташкил қилди;

- 85,9 млрд. сўмлик қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларининг ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) ташкил қилиб, ўсиш суръати 6,0 фоизни (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари ялпи маҳсулотининг 95,8 фоизи) ташкил қилди.

- 129,8 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 35,9 фоизи) ўзлаштирилди ва 2016 йилнинг январь-мартга нисбатан 10,8 фоизга кўпайди;

- 242,8 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 84,3 фоизи) бажарилди ва 2016 йилнинг январь-мартга нисбатан 15,2 фоизга кўпайди;

- автомобиль транспорти юк айланмасининг 8,9 фоизга (республика жами автомобиль транспорти юк айланмасининг 85,0 фоизи), йўловчи айланмасининг эса 7,7 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 95,8 фоизи) кўпайиши таъминланди;

- чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 94,2 фоизи ёки 706,1 млрд. сўми (ўсиш 14,9 фоиз) ва хизматлар умумий ҳажмининг, мос равишда 55,9 фоизи ёки 385,4 млрд. сўми (ўсиш 11,3 фоиз) шакллантирилди;


- 7,8 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 6,8 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 10,1 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 29,3 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.

2017 йилнинг январь-мартида кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги хусусий тадбиркорликнинг (фуқаролар мулки) улуши қуйидагича ифодаланади:

	Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм	Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, % ҳисобида
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	85,9	93,8
Саноат	257,7	13,1
Қурилиш	242,8	30,3
Чакана савдо	706,1	8,5
Юк ташиш, млн тн.	3,4	2,3
Йўловчи ташиш, млн.киши	47,3	0,8
Экспорт, млн. АҚШ долл.	7,8	0,1
Импорт, млн. АҚШ долл.	10,1	18,6

Ялпи ҳудудий маҳсулот ва иқтисодиёт тармоқлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик (бизнес) улушининг ўзгариши қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида





## Ташқи иқтисодий алоқалар


2017 йилнинг январь-мартда ташқи савдо айланмаси 150,0 млн. АҚШ долларини, жумладан 115,3 млн. АҚШ долларини - экспорт операциялари, 34,7 млн. АҚШ долларини - импорт операциялари ташкил этди. Ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси 80,6 млн. АҚШ долларини ташкил қилди.

2017 йилнинг январь-мартда МДҲ ва бошқа давлатлар кесимида Республиканинг ташқи савдо айланмаси қуйидагича ифодаланади:

(млн АҚШ доллари)

	январь-март		2016 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида
	2016 й.	2017 й.	
<b>Ташқи савдо айланмаси</b>	<b>152,2</b>	<b>150,0</b>	<b>98,6</b>
шу жумладан:			
МДҲ давлатлари	11,6	40,5	3,5 м.
бошқа давлатлар	140,6	109,5	77,8
<b>Экспорт</b>	<b>112,1</b>	<b>115,3</b>	<b>102,9</b>
шу жумладан:			
МДҲ давлатлари	3,1	28,3	9,3 м.
бошқа давлатлар	109,0	87,0	79,9
<b>Импорт</b>	<b>40,1</b>	<b>34,7</b>	<b>86,3</b>
шу жумладан:			
МДҲ давлатлари	8,5	12,3	143,4
бошқа давлатлар	31,6	22,4	70,9

2017 йил январь-мартда республика ташқи савдо айланмасида МДХ ва бошқа давлатларнинг улуши қуйидагича ифодаланади:




2017 йилнинг январь-март ойларида республика экспорт-импорти таркиби қуйидагича ифодаланади:

	Экспорт ва импортнинг умумий ҳажмидаги улуши, фоиз ҳисобида		2016 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида
	2016 йил январь-март	2017 йил январь-март	
<b>Экспорт таркиби</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>102,9</b>
пахта толаси	10,0	5,7	58,6
озиқ-овқат маҳсулотлари	1,6	4,7	3,0 м.
кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар	86,9	84,7	100,4
энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари	-	2,2	-
қора ва рангли металллар	-	-	-
машина ва ускуналар	-	-	-
хизматлар	0,4	0,7	173,6
бошқалар	1,1	2,0	182,7

	Экспорт ва импортнинг умумий ҳажмидаги улуши, фоиз ҳисобида		2016 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида
	2016 йил январь-март	2017 йил январь-март	

<b>Импорт таркиби</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>86,3</b>
озик-овқат маҳсулотлари	4,3	1,8	34,8
кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар	20,1	16,5	70,9
энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари	4,4	3,1	61,0
қора ва рангли металллар	5,8	2,4	35,5
машина ва ускуналар	46,4	45,6	84,9
хизматлар	7,5	9,9	114,0
бошқалар	11,5	20,7	155,9

Ташқи савдо айланмасининг қитъалар бўйича таркиби:  
умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида




2017 йилнинг январь-мартида республика ташқи савдо айланмасида катта улушга эга бўлган давлатлар билан товар айланмаси:

	Республика товар айланмасида улуши, фоиз ҳисобида	2016 йил январь-мартига нисбатан фоиз ҳисобида
Россия	17,2	3,3 м.
Хитой	32,6	90,4
Туркия	21,3	116,4
Эрон	0,3	179,5
Қозоғистон	5,7	3,3 м.
Афғонистон	0,3	-
Германия	0,6	81,1
Ж.Корея	4,1	18,1
Украина	2,4	20,5 м.
Латвия	7,9	7,1 м.
Италия	0,3	29,2
Буюк Британия	0,2	16,0
Литва	0,2	166,4

2017 йил январь-мартда МДХ ва бошқа хориж давлатлари билан амалга оширилган ташқи савдо таркиби куйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



## Саноат

2017 йил январь-мартда саноат маҳсулотли ҳажми 1282,2 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 106,8 фоизни ташкил этди.

Ҳисобот даврида 248,6 млрд. сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, 2016 йил январь-мартга нисбатан 113,3 фоизни ташкил этди. Жумладан, 166,9 млрд. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, 65,5 млрд. сўмлик ноозиқ-овқат моллари ва 16,2 млрд. сўмлик вино-ароқ маҳсулотлари (2016 йил январь-мартга нисбатан мос равишда 112,4 фоиз, 119,0 фоиз ва 102,3 фоиз) ишлаб чиқарилди.

Тармоқлараро саноат кооперациясини ривожлантириш, тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида тадбиркорлик субъектлари томонидан 2017 йилнинг январь-март ойларида 346,0 млрд. сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқарилди.

2017 йил январь-мартда иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	ўсиш суръати, фоиз ҳисобида
<b>Иқтисодий фаолиятнинг алоҳида турлари бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми</b>	<b>1282,2</b>	<b>106,8</b>
<b>Тоғ- кон саноати ва очиқ конларни ишлаш</b>	<b>33,5</b>	<b>94,6</b>
улардан:		
Нефть ва табиий газни қазиб олиш	23,7	111,4
Тоғ-кон саноатининг бошка сохалари ва		
епик усулда қазилган техника ердан курсатиш	9,8	69,3
<b>Қайта ишлаш саноати</b>	<b>1096,6</b>	<b>107,3</b>
ундан:		
Озиқ- овқат маҳсулотлари, ичимликлар ишлаб чиқариш	215,9	112,4
Тўқимачилик маҳсулотлари, кийимлар, тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш	171,1	118,7
Ёғоч ва пўкак буюмлар, поҳол ва тўқиш учун материаллардан буюмлари, қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари, мебеллар ишлаб чиқариш	4,7	100,9


	млрд. сўм	ўсиш суръати, фоиз ҳисобида
Ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш	0,2	99,0
Кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш	635,5	102,3
Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш	0,7	108,1
Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	62,6	113,5
Металлургия саноати	0,8	102,9
Машина ва ускуналарни таъмирлаш ва ўрнатиш, тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	4,8	100,7
Бошқа тайёр буюмларни ишлаб чиқариш	0,3	177,7
<b>Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш</b>	<b>141,4</b>	<b>106,0</b>
<b>Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш</b>	<b>10,6</b>	<b>109,0</b>
<b>Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш</b>	<b>248,6</b>	<b>113,3</b>
шу жумладан:		
озик-овқат товарлари	183,1	111,4
ноозик-овқат товарлари	65,5	119,0

Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш қуйида келтирилган:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулоти турларини ишлаб чиқариш**

(йирик корхоналар бўйича)



- Тоғ- кон саноати ва очик конларни ишлаш
- Ишлаб чиқарадиган саноат
- Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш
- Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш

	Ўлчов бирлиги	2017 йил январь-март	2016 й январь-мартга нисбатан %
<b>Тоғ- кон саноати ва очик конларни ишлаш.</b>			
Табиий газни ишлаб чиқариш	млн.м.куб	1353,9	98,4
Оҳактош	минг тн	33,8	103,6
Чақик тош (шебень)	минг.тн	48,7	222,1
<b>Ишлаб чиқарадиган саноат</b>			
Арок	минг.л 100% спирт	890,3	102,7
Юмшоқ буғдой ва спельта уни	минг.тн	19,6	111,4



	Ўлчов бирлиги	2017 йил январь-март	2016 й январь-мартга нисбатан %
Макарон маҳсулотлари ва шу каби хамирдан тайёрланган маҳсулотлар	тн	897,5	123,0
Биринчи навли ундан тайёрланган буғдой нони, оғирлиги 600 г (буханка)	тн	759,5	93,1
Гуруч маҳсулотлари	тн	1302,8	52,0
Тозаланган пахта ёғи ва унинг фракциялари (кимёвий модификация қилинганларидан ташқари)	тн	5054,6	170,7
Йирик шохли кора моллар учун таер			
Омухта ём маҳсулотлари	минг.тн	9,8	101,5
Пахта толаси	минг тн	24,4	105,5
Пахта чигити	минг тн	38,4	104,3
Пахта тивити (линт)	тн	2460,0	109,1
Асосий неорганик кимевий моддаллар (динатрий карбонати)	минг тн.	48,2	200,8
Полиэтилен	минг тн	89,8	104,2
Полипропилен	минг тн	22,1	109,3

**Электр энергиясин ишлаб чиқариш ва буғ билан таъминлаш.**

Иссиқлик электр марказлари (ИЭМ) ишлаб чиқарган электр энергияси	млн.кВт/с	947,0	97,4
Буғ ва иссиқ сув (иссиқлик энергияси)	минг Гкал.	18,6	163,2

**Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва  
утилизация қилиш**


Сувга ишлов бериш ва сув кувурлари буйича тақсимлаш буйича хизматлар	млн.сўм	4914,9	116,9
Окава сувларнинг шлами	млн.сўм	772,0	109,4

## Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги

2017 йилнинг январь-мартда ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) умумий ҳажми 89,6 млрд. сўмни ёки 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 105,9 фоизни, шу жумладан, Дехқончилик ва чорвачилик, овчилик ва бу соҳаларда хизмат кўрсатиш ҳажми 86,8 млрд. сўмни (105,5 фоиз), ўрмончилик хўжаликларида 1,0 млрд. сўм (101,0 фоиз) ва балиқчилик хўжаликларида 1,8 млрд. сўм (115,7 фоиз) ни ташкил қилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



**Ҳосил йиғими.** 2017 йил январь-март ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 257,0 тонна сабзавот (ўтган йилга нисбатан 14,2 фоизга кўп) етиштирилди.

**Чорвачилик.** 2017 йилнинг 1 апрель ҳолатига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан йирик шохли қорамоллар 104,6 фоизга (жами 966,3 минг бошни ташкил қилди), шу жумладан сигирлар 104,0 фоизга (292,1 минг бош), қўй ва эчкилар 101,5 фоизга (972,5 минг бош), паррандалар 103,9 фоизга (3,3 млн. бошга) кўпайди, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан отлар 99,4 фоизга (20666 бош) камайган.

Барча ҳудудларда чорвачилик маҳсулотлари (гўшт, сут, тухум) ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан дехқон ва фермер хўжаликлари ҳисобига бўлиб, гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида уларнинг улуши 98,8 фоизни, сут ишлаб чиқаришда 98,6 фоизни, тухум ишлаб чиқаришда 98,9 фоизни ташкил этди.

2017 йил 1 апрель ҳолатига чорва моллари ва паррандалар бош сони куйидагича:

	минг бош	ўсиш суръати, %
<b>Йирик шохли корамол</b>	<b>966,3</b>	<b>104,6</b>
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	31,7	96,1
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	920,1	105,1
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	14,5	95,4
<b>улардан сигирлар</b>	<b>292,1</b>	<b>104,0</b>
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	11,1	94,9
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	277,2	104,5
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	3,8	95,0
<b>Куй ва эчкилар</b>	<b>972,5</b>	<b>101,5</b>
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	33,6	108,4
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	868,2	105,1
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	70,7	69,9
<b>Отлар</b>	<b>20,7</b>	<b>99,4</b>
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	1,6	111,9
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	18,0	101,9
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	1,0	61,0

	минг бош	ўсиш суръати, %
<b>Паррандалар</b>	<b>3315,3</b>	<b>103,9</b>
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	164,2	103,8
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	3054,9	104,2
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	96,2	96,1

Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида йирик шохли қорамолларнинг улуши 95,2 фоизни, фермер хўжаликларида эса 3,3 фоизни, шу жумладан, сигирлар мос равишда 94,9 ва 3,8 фоизни, кўй ва эчкилар 89,3 ва 3,5 фоизни, отлар 87,3 ва 7,8 фоизни, паррандалар 92,1 ва 5,0 фоизни ташкил этди.

2017 йилнинг январь-мартида барча тоифадаги хўжаликларда тирик вазн ҳисобида 14,5 минг тонна гўшт (2016 йилнинг январь-мартига нисбатан 6,1 фоизга кўп), 46,3 минг тонна сут (6,0 фоизга кўп), 70,1 млн. дона тухум (7,3 фоизга кўп) ишлаб чиқарилди.

2017 йил январь-март ойларида ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотлари қуйидагича:

	миқдори	ўсиш суръати, %
<b>Гўшт (тирик вазнда), минг тн.</b>	<b>14,5</b>	<b>106,1</b>
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	0,4	103,3
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	13,9	106,4
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	0,2	92,5
<b>Сут, минг тн.</b>	<b>46,3</b>	<b>106,0</b>
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	3,1	101,0

	миқдори	ўсиш суръати, %
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	42,6	107,4
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	0,6	67,7
<b>Тухум, млн. дона</b>	<b>70,1</b>	<b>107,3</b>
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	2,1	101,3
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	67,2	109,4
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	0,8	44,5
Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркиби қуйидагича ифодаланади:		

ишлаб чиқариш умумий ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида



**Фермер хўжаликлари.** 2017 йилнинг январь-мартида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 3,8 млрд. сўмни ёки 2016 йилнинг тегишли даврига нисбатан 101,8 фоизни ташкил қилди. Деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида фермер хўжаликларининг улуши 4,5 фоизни ташкил этди.

2017 йилнинг 1 апрель ҳолатига фермер хўжаликларида 31,7 минг бош йирик шоҳли қорамол, шу жумладан 11,1 минг бош сигир, 33,6 минг бош кўй ва эчкилар, 1612 бош от, 164,2 минг бош паррандалар мавжуд.

2017 йил январь-март ҳолатига фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қуйидагича ифодаланади:

	январь-март				2016 январь- мартга нисбатан фоиз ҳисобида
	2016 йил		2017 йил		
	тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	
Гўшт, тирик вазнда	395	2,9	408	2,8	103,3
Сут	3094	7,1	3124	6,7	101,0
Тухум, минг дона	2048	3,1	2075	3,0	101,3

## Инвестициялар ва қурилиш

2017 йил январь-мартда республиканинг асосий капиталини кўпайтиришга 361,5 млрд. сўм миқдорида инвестициялар киритилди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 51,7 фоизни ташкил қилди.

Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши қуйида келтирилган:

	млрд.сўм	ўсиш суръати, %	яқунга нисбатан фоиз
<b>Асосий капиталга киритилган инвестициялар</b>	<b>361,5</b>	<b>51,7</b>	<b>100,0</b>
шу жумладан			
<b>Марказлашган инвестициялар:</b>	<b>58,7</b>	<b>33,5</b>	<b>16,2</b>
бюджет маблағлари	37,4	118,4	10,3
давлат мақсадли фонд маблағлари	11,0	36,4	3,0
тикланиш ва тараққиёт фонди маблағлари	8,6	8,0	2,4
хукумат кафолати остида чет эл кредитлари	1,7	40,8	0,5
<b>Марказлашмаган инвестициялар</b>	<b>302,8</b>	<b>57,7</b>	<b>83,8</b>
корхоналарнинг ўз маблағлари	158,6	65,5	43,9
аҳоли маблағлари	70,6	123,2	19,5
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	31,0	414,2	8,6
тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	42,6	191,6	11,8


2017 йил январь-мартда асосий капиталга инвестицияларнинг технологик таркиби қуйида келтирилган:

	жами	Давлат	Нодавлат
<b>Жами, млрд. сўм</b>	<b>361,5</b>	<b>46,6</b>	<b>314,9</b>
шу жумладан: умумий ҳажмга нисбатан фоиз кўринишида			
қурилиш-монтаж ишлари	55,7	57,4	55,4
машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар	24,0	28,8	23,3
Бошқа ҳаражатлар	20,3	13,8	21,3

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибининг тузилиши 2016 йил январь-мартга нисбатан қурилиш-монтаж ишларнинг улуши 14,7 фоизли пунктга ошган, машина, ускуналар, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар қиймати улуши 6,5 фоизли пунктга камайган ва бошқа харажатларнинг улуши 8,2 фоизли пунктга камайган.

Асосий капиталга киритилган инвестициялар ва кредитларни иқтисодий фаолият турлари бўйича қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



**Ижтимоий соҳа объектларини қуриш**

2017 йил январь-мартда умумий майдони 112,0 минг кв.м. бўлган 736 та (2016 йил январь-мартга нисбатан 123,9 фоиз), шу жумладан қишлоқ жойларида 48,4 минг кв.м. (179,2 фоиз) уй-жой фойдаланишга топширилди. Ноишлаб чиқариш соҳасига киритилган инвестициялар ҳажмидан 78,6 млрд. сўми ёки 21,7 фоизи уй-жой қурилишида ўзлаштирилди.

Умумтаълим мактаблари қурилишида 1803,8 млн. сўм атрофида инвестициялар



ўзлаштирилди, бу ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 1,7 фоизини ташкил қилди

Соғлиқни сақлаш объектлари қурилишида 1529,1 млн. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилиб, бу ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 1,4 фоизини ташкил қилди.

Коммунал қурилиш соҳасида 198,9 км узунликдаги ичимлик суви, 1,6 км узунликдаги газ тармоқлари ишга туширилди, бу 2016 йил январь-мартга нисбатан мос равишда 29,3 баробар ва 25,4 фоизни ташкил қилди.

Ичимлик суви тармоқлари қурилишига 3,7 млрд. сўм, шундан аҳоли маблағлари ҳисобига 20,0 млн. сўм, давлат бюджети маблағлари ҳисобига 3,7 млрд. сўм, газ тармоқлари қурилишига эса аҳоли маблағлари ҳисобига 20,0 млн. сўм миқдоридан инвестициялар ўзлаштирилди.

**Қурилиш фаолияти.** 2017 йил январь-мартда 288,1 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 109,7 фоизни ташкил этди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 63,7 фоизи бинолар ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари, 8,8 фоизи фуқаролик қурилиши объектларини қуриш бўйича қурилиш ишлари ва 27,5 фоизи ихтисослаштирилган қурилиш ишларига тўғри келди. Шу жумладан умумий ҳажмдан 68,7 фоизи янги қурилиш, реконструкция ва кенгайтириш ҳамда техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга тўғри келади.

Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 280,1 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 97,2 фоизни (2016 йил январь-мартга нисбатан ўсиш суръати 114,0 фоизни) ташкил қилди.

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимоти қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



## Транспорт

**Юк ташиш.** 2017 йил январь-мартда барча транспорт турлари томонидан 4,4 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 105,5 фоизга кўп.

Юк айланмаси барча транспорт турлари томонидан 108,8 млн.тн-км. ни ташкил қилди ва 111,6 фоизга кўпайди.

Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари бўйича қуйидагича ифодаланади:

	2017 йил январь-март	2016 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида
Ташилган юк, млн. тн	4,4	105,5
шу жумладан:		
автомобил транспортида	4,4	105,5
Юк айланмаси, млн. тн-км	108,8	111,6
шу жумладан:		
автомобил транспортида	108,8	111,6

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг автомобиль транспортининг юк айланмаси 2016 йил январь-мартга нисбатан 107,9 фоизга кўпайди ва 84,1 млн. тн-км. ни ташкил қилди. Юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 85,0 фоизни ташкил этди (2016 йил январь-мартда 87,1 фоиз).

**Йўловчи ташиш.** 2017 йил январь-мартда барча транспорт турлари томонидан 48,4 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 106,7 фоизга кўпайган. Йўловчи ташиш айланмаси ушбу даврда 107,5 фоизга кўпайиб, 559,0 млн. йўловчи-км. ни ташкил қилди.

Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси қуйидагича ифодаланади:

	2017 йил январь-март	2016 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида
Транспортда ташилган йўловчилар, млн. киши	48,4	106,7
шу жумладан, автомобил транспортида	48,4	106,7
Йўловчи айланмаси, млн. йўловчи-км	559,0	107,5
шу жумладан, автомобил транспортида	559,0	107,5

Хусусий йўловчи ташувчилар автомобиль транспортида йўловчи айланмаси 2016 йил январь-мартга нисбатан 107,7 фоизга кўпайди ва 535,5 млн. йўловчи-км. ни ташкил қилди. Йўловчи айланмасининг умумий ҳажмида хусусий йўловчи ташувчиларнинг улуши 95,8 фоизни ташкил этди (2016 йил январь-мартда 95,6 фоиз).

## Товарлар ва хизматлар бозори

2017 йил январь-мартда чакана товар айланмаси 749,9 млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 112,2 фоизга ўсди.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича чакана товар айланмаси куйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2016 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Жами</b>	<b>749,9</b>	<b>112,2</b>	<b>100,0</b>
шу жумладан мулкчилик шакллари бўйича:			
давлат мулки	0,4	86,3	0,1
нодавлат мулки	749,5	112,2	99,9
ундан фуқароларнинг хусусий мулки	59,8	107,7	8,5

Савдо корхоналарининг чакана савдо айланмаси ҳажми 2017 йил январь-мартда 43,8 млрд. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 81,4 фоизни ташкил этган.

Якка тартибдаги тадбиркорликнинг жами чакана савдо ҳажми жорий йилнинг январь-март ойларида 706,1 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 114,9 фоизга ошган.

2017 йил январь-мартида чакана савдо айланмаси таркиби куйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2016 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Чакана товар айланмаси</b>	<b>749,9</b>	<b>112,2</b>	<b>100,0</b>
шу жумладан:			
савдо корхоналари	43,8	81,4	5,8
Якка тартибдаги тадбиркорлик	706,1	114,9	94,2
шундан: уюлмаган сектор(ташқил этилмаган савдофаолияти)	39,9	101,8	5,6

Умумий овқатланиш соҳасининг товар айланмаси 14,9 млрд. сўмга етди ёки 2016 йил январь-мартга нисбатан 18,5 фоизга ўсди.

Чакана савдо (умумовқатланиш фаолиятини қўшган ҳолда) аҳоли жон бошига нисбатан ҳисоблаганда 10,6 фоизга ошди ва 412,0 минг сўмни ташқил этди (2016 йил январь-март ойиларида 340,5 минг сўмни ташқил этган).

2017 йил январь-мартда **бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари** бўйича ҳажми 689,3 млрд. сўмни ташқил қилди, шу жумладан қишлоқ жойларида 222,9 млрд. сўм ёки умумий кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 32,3 фоизини ташқил қилди. 2016 йил январь-мартга нисбатан ўсиш 111,7 фоизни ташқил этди.

Бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши 2017 йилнинг январь-мартида куйидагича ифодаланади:


	млрд. сўм	2016 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида	яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Жами хизматлар</b>	<b>689,3</b>	<b>111,7</b>	<b>100,0</b>
Шу жумладан хизмат турлари бўйича:			
алоқа ва ахборотлаштириш хизмати	61,9	104,1	9,0

	млрд. сўм	2016 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида	яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
молиявий хизматлар	80,1	134,9	11,6
транспорт хизмати	198,1	110,1	28,8
шу жумладан автотранспорт хизматлари	99,0	107,8	14,4
яшаш ва овқатланиш хизматлари	16,8	119,2	2,4
савдо хизматлари	161,2	107,0	23,4
кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар	24,5	111,0	3,5
таълим соҳасидаги хизматлар	35,4	111,6	5,1
соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	7,7	114,1	1,1
ижара ва прокат хизматлари	16,7	109,5	2,4
компьютерларни ва маиший товарларни таъмирлаш хизматлари	28,1	110,9	4,1
бошқа шахсий хизматлар	34,7	110,6	5,0
меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	4,2	128,7	0,6
бошқа турдаги хизматлар	19,9	113,4	2,9

Хизматлар таркибида энг катта улуш транспорт (жами хизматларнинг 28,8 фоизи), савдо (23,4 фоизи) хизматларига тўғри келди.

Шунингдек, молиявий хизматлар (134,9 фоиз), меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар (128,7 фоиз), кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар (111,0 фоиз) ва савдо хизматларида (107,0 фоиз) ўсиш суръати юқори бўлди.

2017 йил январь-мартда бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари қуйидагича:



## Демография ва меҳнат бозори

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг 1 апрель ҳолатига республикада доимий аҳоли сони 1822,4 минг кишини ташкил қилди ва йил бошидан 4,9 минг кишига ёки 100,3 фоизга кўпайди.

Аҳолининг табиий ўсиши 5886 кишини ташкил этди.

2017 йил январь-мартда миграция сальдоси, дастлабки маълумотларга кўра, -937 кишини ташкил қилди.

Аҳолининг табиий ҳаракати 2017 йил январь-мартда қуйидагича ифодаланади:

	Киши			Ҳар 1000 кишига	
	2016й.	2017й.*)	ўсиш, камайиш (-)	2016й.	2017й.**)
Туғилганлар	7913	7865	-48	17,7	17,5
Ўлганлар	1712	1979	267	3,8	4,4
шу жумладан бир ёшгача болалар	122	129	7	12,0	13,3
Табиий ўсиш	6201	5886	-315	13,9	13,1
Никоҳлар	3481	3748	267	7,8	8,4
Ажралишлар	245	328	83	0,5	0,7

**Туғилиш даражаси.** 2017 йил январь-мартда туғилганлар сони 7865 кишини ташкил қилди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 48 кишига кам ёки 99,4 фоиз бўлиб, туғилиш коэффициенти 17,7 промилледан 17,5 промиллега камайди.

Туғилиш даражасининг камайиши республиканинг деярли барча ҳудудларида қайд этилди. Бу кўрсаткичнинг юқори даражаси Кегейли (18,8 дан 15,6 промиллега), Чимбой (18,7 дан 16,5 промиллега) Қораузак (17,6 дан 15,7 промиллега) ва Шуманай (15,6 дан 13,3 промиллега) туманларида кузатилди.

**Ўлим даражаси.** 2017 йилнинг январь-мартида ўлганлар сони 1979 кишини ташкил қилди ва 2016 йил январь-мартга нисбатан ўлганлар сони 267 кишига ёки 5,6 фоизга кўпайди. Ўлганлар сонининг кўпайиши Тахтакўпир (4,6 дан 6,1 промиллега), Қонликўл (3,7 дан 5,1 промиллега), Мўйноқ (2,5 дан 4,2 промиллега), ва Эллиққалъа (2,2 дан 3,7 промиллега) туманларида кузатилди.

Энг кўп ўлим ҳоллари Тахтакўпир туманида (6,1 промилле), энг кам ўлим ҳолатлари Шуманай (3,0 промилле) туманида кузатилди.

Ўлганлар умумий сонидан 55,7 фоизи қон айланиш тизими касалликларидан, 10,6 фоизи - ўсма касалликларидан, 6,2 фоизи - бахтсиз ҳодиса, захарланиш ва жароҳатлардан, 5,8 фоизи - нафас олиш органлари касалликларидан ва 4,9 фоизи - овқат ҳазм қилиш органлари касалликларидан вафот этган.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг январь-мартида бир ёшга тўлмаган 129 та болалар ўлими кузатилди. Болалар ўлими коэффициенти 13,3 промиллени ташкил қилди (2016 йилнинг январь-мартида 12,0 промилле).

Бир ёшгача ўлган болаларнинг умумий сонидан 72,9 фоизи перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан, 15,5 фоизи – нафас олиш органлари касалликларидан, 1,6 фоизи – туғма аномалиялардан касалланганлиги сабабли вафот этган.

\*) Дастлабки маълумот

\*\*) 1000 туғилганларга


**Никоҳ ва ажралишлар.** 2017 йил январь-мартда 3748 та никоҳ рўйхатга олинди, ажралишлар сони эса 328 тани ташкил қилди. Бу минг аҳолига 8,4 никоҳ ва 0,7 ажралишлар тўғри келмокда (2016 йил январь-март мос равишда 7,8 ва 0,5).

**Миграция.** Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг январь-март ойларида республика бўйича кўчиб келганлар сони 3323 кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 4260 кишини ташкил қилди. Миграция қолдиғи минус 937 кишига (2016 йилнинг шу даврида минус 880 ) тенг бўлди.

Энг катта минус қолдиқлар Чимбой (минус 224), Амударё (минус 107), ва Хўжайли (минус 106) туманларида кузатилди.

Аҳолининг табиий ҳаракати 2017 йил январь-мартда қуйидагича ифодаланади:

Ҳар 1000 кишига



**Меҳнат ресурсларининг сони,** дастлабки маълумотларга кўра, 2016 йил январь-мартга нисбатан 1,3 фоизга кўпайиб, 1049,1 минг кишини ёки республика доимий аҳолисининг 57,6 фоизини ташкил қилди.


2017 йил январь-мартда бандликка кўмаклашувчи марказларига ишга жойлаштиришда ёрдам беришни сўраб 4304 нафар фуқаро мурожаат қилди. Иш кидириб мурожаат этганлар Нукус (727 кишига) шахрида, Беруний (575 кишига), Хўжайли (309 кишига), Кўнғирот (413 кишига), Амударё (308 кишига) ва Элликқалъа (303 кишига) туманларида кўп.

Бандликка кўмаклашувчи марказларига мурожаат қилган фуқаролардан 3821 нафари (барча мурожаат этганларнинг 88,8 фоизи) ишга жойлаштирилди. Айниқса ушбу кўрсаткич, Қонликўл (мурожаат этганларнинг 100,0 фоизи), Элликқалъа (99,0 фоиз), Тахтакўпир (98,0 фоиз), Беруний (96,4 фоиз) ва Шуманай (96,1 фоиз) туманларида юкори даражада бўлди.



Бандликка кўмаклашувчи марказлари орқали ишга жойлаштирилган фуқаролар сони қуйидагича ифодаланади:

(киши)



■ 2016 йил январь-март  
■ 2017 йил январь-март